

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ



Яхшининг шарофати ҳамisha шараф келтиради, дейди донолар. Шундан бўлса керак, Ханифа Панжиевани коллежнинг уч минг талабаси-ю 150 дан ортиқ ўқитувчилари алоҳида эҳтиром билан эъозлашади. Эъоз ортида эса...

2

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАР НОМЗОДИ



...Бош вазир лавозимига мамлакатнинг миллий иқтисодийёт ва тараққиёт вазири Гордон Байнаи тайинланди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Венгрия социал-демократик партияси томонидан таклиф этилган мазкур номзодни аҳоли ҳам қўллаб-қувватлаган.

3

УММОН ТУБИДАГИ ТОВУС ТАХТ



Товус тахтнинг ҳақиқий баҳосини ҳеч ким айтиб беролмаган. Лекин баъзи манбаларда унинг қийматини ҳаттоки ўша машҳур Тож Маҳалдан-да қимматлироқ деб ёзишган. Демак, у ҳам дунёнинг ажойиботларидан бири ҳисобланади.

4

# АДОЛАТ

Inson manfaatları — oliy qadriyat

№ 18  
(722)  
2009 йил  
17 апрель,  
жума

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat\_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва кадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 64 йиллик муносибати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.
5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2009 йил 15 апрель

И.КАРИМОВ

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.**



#### ТИББИЁТДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР

Мамлакатимиздаги бирламчи тиббиёт муассасаларида аҳолига замон талаби даражасида тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 36-оилавий поликлиника ҳам ана шундай тиббиёт масканларидан. Поликлиника 28 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Бунинг учун ушбу муассасада барча қўлайликлар яратилган.

Ҳомилалар аёлларнинг соғлиғи, ҳомиланинг ривожланиши гинеколог ва оила шифокори томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Зарур ҳолларда скрининг марказларида текширувдан ўтказилмоқда. Қўрилаган бундай чора-тадбирлар натижасида сўнгги ўн йилда оналар ўлими кузатилмади. Болалар ва катталар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Шифо маскани ходимлари ёшлар ҳаётида тиббий маданиятнинг аҳамиятини тушутиришга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Мақтаб ва олий ўқув юртидаги гиеҳандлик, ОИВ/ОИТС сингари иллатларга қарши курашиш ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Суратларда: поликлиника ҳаётидан лавҳалар.

### ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Португалия Республикаси ташқи ишлар вазири Луиш Амаду раҳбарлигидаги делегация 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Португалия ўртасидаги алоқалар йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуваридида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганлиги алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятларга, бой мада-

ният ва узок тарихга эга мамлакат, — деди Луиш Амаду. — Португалия Ўзбекистон билан узро алоқаларни янада кенгайтириш ва мустақамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ташрифдан мақсадимиз ҳам сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Учрашувда Ўзбекистон ва Португалия олий қонун чикарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир масалалар муҳокама қилинди.

Португалия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музоқара ўтказди.

(Ў.А)



### Парламент Қонунчилик палатасида

## ҲАММА БИРДЕК МАСЪУЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ибройи Қўмитаси ҳамда фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Партиянинг Сийёсий Кенгаши Ибройи Қўмитаси ҳамда фракция аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, олимплар, экспертлар, шунингдек ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкиррози, Ўзбекистон шариоитининг олдини олиш ва таъсирини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб бердилар.

Китоб икки қисмдан иборат: биринчиси, "Жаҳон молиявий инкиррозининг Ўзбекистон иқтисодийётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилилар" деб номланган. Унда инкирроз сабаблари, бугунги кунда дунё миқёсида ижтимоий-иқтисодий муаммолар турғидираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган. Китобнинг

иккинчи қисмида "Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инкиррозни бартараф этиш ва жаҳон бозоридида янги марраларга чиқишининг ишончли йўлидир" деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, хусусан, иқтисодийётимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олганда, бугунги инкирроз оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилган.

Тадбирда Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти директори Турсун Аҳмедов, Банк-молия академияси ректори Абдурахим Ваҳобовлар жаҳон молиявий инкиррозининг Ўзбекистон иқтисодийётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилилар ҳусусида маъруза қилдилар.

(Давоми 2-бетда.)

**"Заминимизда яшайтган одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш, ҳар бир кишини ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун барча зарур шароитларни яратиш — жамиятимизни ислох қилиш ва янгилаш пайтида олдимизга қўяётган гоят муҳим вазифалардандир..."**

Ислам КАРИМОВ.

## ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мана, салкам 18 йилдирки, давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш, давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини, жумладан, қонунчилик соҳасини такомиллаштириш масалалари ҳамisha долзарб ҳисобланиб, мамлакатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Утган давр ичида ислохотларнинг чуқурлаштирилишида, бозор иқтисодийётига ўтишда, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда эришилган юксак натижалар билан бирга вужудга келган айрим масалалар, хусусан, баъзи бир жойлардаги ва соҳалардаги ижро интизомининг, қонунлар ижросининг талабга жавоб бермаслиги, фуқаролар хоҳиш-иродаларини, талаб ва эҳтиёжларини менсимаслик, бюджет маблағларининг талон-тарож қилиниши ҳоллари, аҳолининг ижтимоий-сиёсий масалаларда етарли таъриба ва билимга эга эмаслиги, жамиятда кечаяётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини сезмаслик ва ҳоқозолар, ўз-ўзидан парламент тизими ва унинг фаолиятини ислох қилиш зарура-

тини келтириб чиқарди. Негаки, фуқаролик демократик жамиятининг асосий, яъни, устувор шартларидан бири, бу — жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлиши ҳамда қонунлар устуворлигининг таъминланишидандир. Азалдан маълумки, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият юқори бўлмаган жойда, қонунлар ижро топмайди, демократик жараёнларни амалга ошириш қийин кечади, қонунбузарлик, ўзибуларчилик каби иллатлар юзага келади, пировардида, фуқаролар норизолиги туғилади.

Агар оддий қилиб тушутирадиган бўлсак, демократик жамият дегани, баъзи бир фуқаролар онгида ўрнашиб қолганидек — барчанинг ўз билганига яшаш — ўзибуларчилик, бошбошдоқлик эмас, балки ҳар бир инсон ўзи яшаб турган жамиятини, давлатни қадрлаш, шу жамият қонунларини ҳурмат қилиши, жамият олдида юксак масъулиятни ҳис этиши, қонунларга қатъий риоя қилиши, ўзининг атрафидида кечаяётган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини билан бевосита иштирокчи бўлиб яшаш демократия. Ана шундай жамиятнинг барпо этиш каби ўта масъулиятли, ўта мураккаб масала эса, барчанинг

масига, кўпроқ сиёсий партиялар олди-га ҳам муҳим вазифаларни қўйиши, табиий.

Демократик ҳуқуқий жамият куриш жараёни мамлакатимизда илк мустақиллик йилларидан бошлаб, босқичма-босқич турли жаҳалларда ислохотлар олиб бориш билан амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, қонунчилик соҳасида ҳам. Мамлакатимизда дунёнинг ақсарият етакчи ва ривожланган давлатларидагидек икки палатали Парламент вужудга келди ва бугун у муваффақият билан фаолият олиб бормоқда. Алоҳида таъкидлаш жоиз, икки палатали Парламент жамиятнинг турли табақалари манфаатларини қўзғовчи сиёсий партиялар нуфузининг орттишига қўмақ берди. Сиёсий партияларнинг, жумладан "Адолат" СДПнинг ҳам сезиларли даражада таърибаси ортиди. Партиянинг мамлакатимизда нафақат сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарорлашувиди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, демократик жараёнларни такомиллаштиришда иштироки тобора ортиб бормоқда.

Партия, айниқса, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш масаласида бошқа сиёсий партияларга қараганда анча салоҳиятли ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунки, замон ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширмасдан, уларнинг жамиятда ўз ўринларини муносиб эгаллашлари учун имкониятлар яратмасдан туриб, аҳолининг ёлпасига ижтимоий-сиёсий онгини шакллантириш, жамият нуфузи ва истиқболини белгилайдиган ҳар томонлама етуқ ва баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказиш мумкин эмаслигини тақозо қилмоқда. Зеро, ҳаёт мазмун жамиятда жуда катта салоҳиятга эга аёллар билангина тўқис қилиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунги долзарб вазиятда, аёлни жамият кўзгуси, индикатори деб аташ айни мудоао бўларди, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда.)

### 7 кун нафаси

#### СУД ЭКСПЕРТИЗАДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Тошкент. Адлия вазирлигида "Суд экспертизанинг замонавий имкониятлари, унинг одил судловни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мазкур вазирлик ва унинг ҳузуридаги суд экспертиза маркази ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида суд экспертиза материалларини савиясини ошириш, аҳолини суд экспертиза вазифалари ва унинг одил судловни таъминлашдаги ўрни билан кенгрок таништириш, шунингдек, соҳанинг бугунги кунда замонавий имкониятлари ҳамда турли йўналишлари ҳақида сўз борди.

#### ҚИШЛОҚ АҲЛИ ФАРОВОНЛИГИ ОШАДИ

Қашқадарь. "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг қандай иқтисодий омилилари мавжуд?" — деган мавзудаги илмий-амалий анжуманда мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимлари, мутахассислар фаол иштирок этиб, "Қашқадарь вилоятининг ҳудудий ривожланиш стратегияси"ни кенг муҳокама қилдилар. Қарши муҳандислик-иқтисодий институту ва БМТ ривожланиш дастурининг "Худудларни комплекс ривожлантириш" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят қишлоқлари истиқболи ва стратегик йўналишлари белгилаб олинди.

#### МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Нукус тумани маркази — Окмангитда ҳар икки ойда бир марта ўтказилиши анъанага айланган меҳнат ярмаркасининг навбатдагиси ҳам 70 нафар фуқарони муҳим иш жойлари билан таъминлади. Унда туманда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар, идоралар ва муассасалар 90 га яқин иш ўринлари тақлиф қилиб, фаол иштирок этишди.

Туман Бандликка қўмақлашиш маркази хабарига кўра, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"нинг ўтган ойлари ичидафқар худудда 330 нафар яқин фуқаролар янги иш ўринлари билан таъминланган. Айниқса, меҳнатнинг янги тури — касаначилик қишлоқ ва овулларда истиқомат қилётган уй бекалари ва қизлар учун қўл келаяпти.

# ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ



(Давами. Бошланиши 1-бетда.)

Кўпмиллатли, бағрикенг Ўзбекистон халқининг турли тоифасини ўзига муҳассам этган "Адолат" СДП ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қуриш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда ва мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришдаги иштироки билан ўз салоҳиятини намойиш этишга саз характер қилмоқда, деб айтишга тўла асос бор. Партиямиз саффи унчалик катта бўлма-да, демократик ўзгаришларни амалга оширишда етакчи куч эканлигини амалда ифода этмоқда.

Аммо, шуни ҳам тан олиш керак: "Адолат" СДПнинг давлат ва жамият миқёсидаги муҳим масалаларни ҳал этишдаги ролини ошириш, фуқароларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган айрим адолатсизликларга қатъий чек қўйиш, турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни енгиб ўтиш, керак бўлса, ижроия ҳокимиятга ўз мансабини сунистеълмоқ килаётган раҳбарларни тартибга қакриши, одамлар турмушидаги муаммоларини ҳал этиш, пировардида, ижтимоий адолатни қарор топтириш борасидаги фаолиятини ҳали етарли даражада, деб бўлмайди.

Шу боисдан, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайти-

риш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ва "Ўзбекистон Республикасини Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун ўз мазмун-моҳияти билан жамиятимиздаги мавжуд бошқа сиёсий партиялар қатори бизнинг "Адолат" СДП олдида ҳам катта вазифалар қўяди. Бирок, партиямиз фаолияти ҳали-ҳануз мазкур қонунлар талаблари даражасида йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Бунинг бош сабабларидан бири, партиямиз жойлардаги қуйи бўлган ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар мароми нисбатан пастлигидир.

Бугунги кунда халқнинг талаб-эҳтиёжлари тўла қондириляптими, жамиятда учраб турган айрим камчилик ва муаммоларни ҳал этишга, адолатсизликларни бартараф этишга партия дахлдорлиги сезиляптими, ёхуд бу борада партиямиз нималарга эътибор қаратмоқда ва қаратиши керак, аҳоли, электрорат партия дастуридаги вазифалар ижросидан розими, деган қатор саволларга партиямиз турли бўғинларда иш олиб бораётган ҳар бир етакчининг жавоб бера олиши ва ўзи шахсий ўрнат қўрсатиши, қайд этиб ўтилган масалалар ечимини топишга фаол кўмаклашиши лозим.

Агар партиямизнинг бошланғич ташкилотлари ўз ҳудудлариданги муаммо ва ютуқларни чуқур ўрганган ҳолда одамлар қалбига йўл тола олсалар, ҳаётдаги энг элементар адолатсизликларнинг, қонунбузарликларнинг олдини олишда ўз ҳиссаларини қўшсалар,

маҳаллий ижро ҳокимияти вакиллари томонидан айрим ҳолларда йўл қўйилаётган буйруқбозлик, манманлик, маҳаллийчилик ва ноҳолисликларга нисбатан мурасасиз бўлсалар, ижро ҳокимиятининг халқнинг талаб ва эҳтиёжларига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгаришига эришсалар, ҳокимият органлари ҳисоботини эшитиш борасида жамоатчилик назоратини йўлга қўйсалар, ўз-ўзидан партия ташкилотининг нуфузи ортиб боради, аъзолар сони ҳам, электрорати ҳам кўпайиши мумкин.

Кези келганда айтиш керакки, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари кейинги сайловларга ҳар томонлама муносиб, ҳаётда тобланган, ўз иродаси, йомони, ҳалол меҳнати ва ахлоқ-одоби билан халқ эътиборини қозонган номзодларни тавсия қилишлари лозим, албатта. Зеро, партия нуфузи, салоҳияти, халқчиллиги, обрў-эътибори ўз-ўзидан эмас, балки унга мансуб бўлган аъзоларнинг саъй-ҳара-



катлари, фаолликлари, жонқуярликлари, фидойилликлари, энг муҳими, адолатпарварликлари билан ортиб боради.

Конституциявий Қонун партиямизнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига амалий таъсирини кучайтириш учун катта вақолат, кенг имконият ва ҳуқуқ берди, ҳаммамизга юксак масъулият юкледи.

Халқчил, ҳар томонлама мукамал, ҳаётий қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш учун қонунчилик фаолиятида айнан нималарга асосий эътиборни қара-

тишимиз, қайси масалалар, йўналишлар юзасидан жойлардаги аҳолининг — оддий фуқаролар фикрини чуқур ўрганиш лозимлиги устида ҳам депутатлар томонидан мунтазам иланишлар олиб борилиши, бунда, айниқса, партиямиз жойлардаги қуйи ташкилотлари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатларининг яқиндан кўмаклашишлари керак бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятини кучайтиришда худуддаги барча маҳаллий ташкилот ва идоралар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, аҳолининг турли табақалари орасида, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар орасида мунтазам равишда давлатимизнинг оқилона сиёсатини, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ва натижаларини, истиқлолимиз ва партиямиз гоъларини тарғиб-ташвиқот қилиш, элнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туриш, оддий фуқаролар оғирини енгиб қилиш — ютуқларимиз оммилари эканлигини унутмаслик даркор. Аниқроғи, бир нарсани ҳаммиса ёдда сақлаш керак: бизнинг юрти-мазмун ташқаридан келиб ҳеч ким ва ҳеч қачон обод этиб берибди, бизнинг ҳаётимиз — бу, ўз ҳаётимиз, ўз муаммоларимиз, ўз ташвишларимиз — ҳаммаси бизники, ўзимизники. Истиқболимиз ҳам, демократик ўзгаришлар ҳам, янгилашлар ҳам — барча-барчаси ўзимизнинг хоши-иродамизга, куч-ғайратимизга боғлиқ. Тинчлик-осойишталик қадрига етиб, халқи-



мизга хос ўзаро ҳурмат ва иззатни, меҳнатсеварликни, фидойилликни, ҳалоллик ва покликни, адолатлилик ҳамда андишалликни сақлаб қолсақ, ҳар биримиз ўз имкониятимиз, салоҳиятимиз ва виждонимиз атрича иш тутсақ, кўрбимиз еганича жамият тараққийга муносиб ҳисса қўсасқ, ҳар қандай кўйинчиликни енгиб ўтишга қодирмиз.

**Зухра БОТИРОВА,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутати,  
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

## ҲАММА БИРДЕК МАСЪУЛ

(Давами. Бошланиши 1-бетда.)

Эътироз этилганидек, Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини олдини олиш ва юмшатиш имконини берадиган бир неча оммилар мавжудки, булар амалиётда ўзини тўла-тўқис оқламоқда. Пухта ўйланган пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши туфайли инфляция прогноз кўрсаткичлари чегарасида сақлаб қолинаётган бўлса, тижорат банклариликнинг ликвидлиги ва капиталлашув даражасини оширишга қаратилган сиёсат 2005 йилдан бошлаб изчил амалга оширилганини натижа сандир. Шунингдек, оқилона бюджет-солиқ сиёсати олиб борилгани учун ҳам давлат бюджетни профицит билан бажарилмоқда ва солиқ юкиннинг пасайиб бориш тенденцияси кузатишмоқда. 2008 йилда давлат бюджети профицити япйи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар миқдорининг барқарор ўсиш суръатига ҳамда мамлакат ташқи қарзининг мўътадил даражасини таъминлашга эришилмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан катта миқдорда моддий ва молиявий ресурслар ажратилди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш борасида мамлакатимизда аниқ, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон Марказий банки департаменти раҳбари Хайдар Нормуродов. — Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ 2008 йилда тижорат банклари устав капиталига қарийб 650 миллиард сўм йўналтирилди, қўшимча равишда тижорат банклариликнинг 280 миллиард сўмлик акциялари муомалага чиқарилиши ва жойлаштирилиши назарда тутилган. Таъкидлаш жоиз, 2009 йил давомида тижорат банклари умумий капиталга ҳажми 2,6 триллион сўмга етказилди. Шунингдек, "Микрокредитбанк"нинг устав капиталини оширишга йўналтирилган 72 миллиард сўм миқоридagi маблағ кичик ва микробизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида тadbиркорлик субъектларига ажратилди. Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш буйича тижорат банклари томонидан 2009 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашга 2,0 триллион сўм банк ресурслари йўналтирилиши кўзда тутилган.

Сўзга чиққан депутатлар Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишдек устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда фаол иштирок этиш мамлакатимизда мавжуд сиёсий партиялар учун ҳаётий масала эканлигини алоҳида таъкидлашди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таҳдидлари ва хатарларига қарши туриш, унинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш, 2009-2012 йилларга мўъжалланган дастурнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш, айниқса, партиямиз жойлардаги худудий бўлиналарида бирдек масъулият талаб этиши ўқтириб ўтилди.


Жорий йилда мамлакатимизда 674 миңга иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Иқтисодий инқироз сабабли қўшимча яна 260 миңга иш ўрни ташкил этиш режалаштирилмоқда. Табиийки, уларнинг муайян қисми касаначилик асосида вужудга келтирилади. Мамлакатда кенгайиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жаддаллаштириш жараёнларида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам ўзини масъул деб ҳисоблайди. Шу жиҳатдан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ва жамият ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, янги иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш — "Адолат" СДПнинг асосий вазифаларидан саналади. Демак, бу борада сиёсий партиядан жуда катта масъулият талаб этилади. Мажлиса сўз олган партия фаоллари мазкур масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир давомида мамлакатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шaroитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобининг мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, энг аввало, партия электрорати вакиллари ва фаоллари етказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар партия Кенгашилари ҳузурдаги сиёсий таълим марказларида бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, депутатлик гуруҳлари, партия ҳодимлари ва фаоллари учун ўқув-семинарлар уюштириш, ҳуқумат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида амалий учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш буйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлис сўнггида билдирилган таклифлар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**  
"Адолат" мухбири.

Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда



### Тадбир

"Адолат" СДП Марказий аппарати томонидан жойларда партия нуфузини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш буйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарали бўлмоқда. Навоий вилояти партия Кенгаши фаолиятини яхшилаш буйича шаҳар компьютер ва ахборот технологиялари коллежида бўлиб ўтган навбатдаги семинар мавзуси "Ўзбекистон "Адолат" СДП: юксалишининг янги поғонасида" деб номланди.

### МУҲИМ ЖАРАЁНЛАР АРАФАСИДА

Унда вилоят партия ташкилотлари фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия Марказий аппарати ходимлари ҳамда "Маҳалла" жағғармаси вакиллари иштирок этиди. Тадбирда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухра Ботирова Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг изчил давом эттириш — давр талаби" маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида сўзлаб, жумладан деди: — Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарор суръатларда давом этаётгани, аҳоли фаровонлигининг изчил олиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарлар янада обод бўлаётгани янгилашнинг жараёнларида яққол намойён бўлмоқда. Бу партиямиз аъзолари ва унинг хайрихоҳлари қалбига фахр ва гурур туғиларини уйғотиши табиий.

— Ҳозир жаҳонда молиявий ва иқтисодий инқироз кетаётган бир пайдада, — деди нотиқ ўз сўзида, — мамлакатимизда инқирозга қарши бартараф чора-тадбирлар дастуридан келиб чиққан ҳолда ҳар бир депутат, партиямизнинг ҳар бир аъзоси узоқ мuddатли истиқболлар туғйуси билан яшамоғи, ишламоғи керак. Бугун жамиятда "Адолат" СДПнинг ўрни, сафларининг муштаҳкамлиги, қадрлари салоҳияти ва уларнинг захираси жуда

муҳим аҳамиятга эга. Негаки, сайловли жараёнларида партия аъзолари сони, улар орасида меҳнатта лаёқатлиларнинг қўлиги катта аҳамият касб этади.

Семинарда "Адолат" СДПнинг 2009 йилга мўъжалланган характер дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида Марказий аппарат раҳбари Равшан Ҳайдаров ахборот берди. У ўз сўзида сайловларга муносиб тайёргарлик қуриш лозимлиги ва партиянинг молиявий оқсальтириш режалари хусусида тўхтади.

— Утган йили вилоят Кенгаши бор-йўғи 28 та тадбир ўтказган. Уларда атиги 300 киши иштирок этгани қониқарли эмас, — деди у. — Номинганга ўтказилган тадбир ҳеч қандай самара бермайди.

Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар танлаш, ҳисобга олиш ва захирасини шакллантиришни ташкил этиш буйича Низом юзасидан Марказий аппарат мафкура ва маънавий ишлар бўлими мудири Тоҳир Шамсиев сўзга чиқди. У асосий эътиборини туман Кенгаши фаолиятини кучайтиришга қаратди.

— Номзодларни танлашда бир ёки бир неча кишилар фикри билан чекланмаслик лозим, — деди у. — Сайловларда маҳаллий ҳокимият аралашуви барҳам топиб, партия ўз номзодига жавоб бериши керак. Айни кезде сафларимизга ногиронлар,

уй бекалари ва ишсизлар қатламлари ҳам кенгрок жалб қилиш жоиз деган мулоҳазам бор...

Семинар ишида фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий вилояти минтақавий ахборот тахлил гуруҳи раҳбари Холмамат Раупов сўзга чиқиб, вилоятда "Адолат" СДПнинг салоҳияти юксаклиги, бирок партиямиз жойлардаги ташкилотлари томонидан тадбирлар кам ўтказилаётгани, бошланғич ташкилотлар фаолияти яхши йўлга қўйилаётгани, барча қатламлар билан иш олиб бориш, бошқа партиялар билан соғлом рақобат қилишда тажриба етишмаётганиги ҳақида мулоҳаза юритди. Зарафшон шаҳар Кенгаши раиси Раҳмон Исмоилов ва Нурота тумани Кенгаши раиси Аҳад Назаровлар бошланғич партия ташкилотларидаги айрим ютуқ ва муаммолар, Навбахор тумани Кенгаши раиси Солиҳа Турдубоева маҳаллий Кенгаш фаолиятини яхшилаш учун алоҳида хона, компьютер, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар кераклиги тўғрисида фикр билдирдилар.

Амалий тусда ва очик-ошкора тарзда ўтган семинарда вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига хизмат қиладиган қўлдан-қўл фойдалав тавсиялар, таклифлар берилди.

**Бахтияр ТЕМҮР,**  
"Адолат" мухбири.

### Партиямиз фаоллари

## ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

— Яхшилар ҳақида сўз юритилганда, аввало унинг дилбар фазилатлари, жамоа ва одамлар ўртасида обрў-эътибори киши кўз унгида намойён бўлади, — дейди "Адолат" СДП Термиз шаҳар тиббиёт коллежи бошланғич партия ташкилоты етакчиси Анвар Бегимов.

Дарҳақиқат, халқимизда "Яхшиликнинг умри боқийдир", деган нақл бежиз айтилмаган. Коллежнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудираси, партиямизнинг фаол аъзоларидан бири Ханифа опа Панжиева ҳақида гап кетганда, одамларга доимо яхшилик улашувчи инсон кўз олдингизга келади. Мазкур ўқув даргоҳи директори Раҳматилло Норовнинг қайд этишича, Ханифа опанинг қарашлари "Адолат" СДП гоъларини билан йўғрилган. Шу боис, у партиямизнинг гоъларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилишдан чарчамайди.

— Партиямиз олдида кишилар онгига адолат тамойилларини сингдириш, аҳолининг ҳам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратишдек, муҳим вазифалар турибди, — дейди Ханифа Панжиева. — Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотимиз аъзолари кўпроқ одамларнинг ташвиши ва муаммоларини ҳал этишдек хайрли ишларга бош қўшишган. Бу ишларни амалга ошириш учун шаҳримиздаги турли корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллалар билан муस्ताҳкам алоқа боғланганимиз.

Қолаверса, бу йил — сайловлар йили. Мазкур сиёсий кампания партиямиз олдидаги жиҳдий синновдир. Шунинг учун ҳар бир дахилдан унумли фойдаланмоғимиз, мақсад ва гоъларимизни омма орасида кенг тарғиб этиб, хайрихоҳлар сонини муттасил оширишимиз даркор. Сафдошларимиз ўз навбатида талаба ёшларининг сиёсий онгини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада бундан бошланғич ташкилотимиз қошида фаолият кўрсатаётган "Ёш адолатчи"лар клуби яқиндан ёрдам бермоқда. Айтгандек, клуб аъзолари, аввало ўзларининг фаолликларини намойён этиб, барчага ибрат бўлишмоқда. Жумладан, клуб аъзолари Ширин Қурбонова ва Насима Алиқулваловлар фан олимпиадасининг вилоят баскичида голиб бўлишди.

